

СОБИЙЛИК ҲАҚИДА ИМОМ МОТУРИДИЙ АСАРЛАРИДА КЕЛГАН МАЪЛУМОТЛАР ТАҲЛИЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8025462>

Содиқов Жўрабек Собирбоевич

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

“Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA”

кафедраси ўқитувчиси, исломшунослик фанлари (PhD)

E-mail: jurabeksodiq@gmail.com

Аннотация.

Собийлик (الصائبون) эътиқоди тўғрисида турли даврларга мансуб асарларда келтирилган маълумотларни қийслаш шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда улар ҳақида ўзаро фарқли қарашлар келтирилган. Шу сабаб бугунги кунда диншунос ва исломшунос олимлар ҳам собийлар ҳақида турлича тасаввурга эгалар. Имом Мотуридийнинг бизгача етиб келган тафсири ва ақида илмига оид икки асарида ҳам мазкур эътиқод ҳақида маълумотлар мавжуд бўлиб, уларни ўзаро қийсий таҳлил қилиш собийлик таълимоти борасидаги чигал тушунчаларни ойдинлаштиришга хизмат қилади.

Калит сўзлар.

Собийлик, Мотуридий, эътиқод, “Таъвилот аҳли-с-сунна”, “Китобу-т-тавҳид”, санавийлар, монийлик.

Абу Мансур Мотуридийнинг “Таъвилот аҳли-с-сунна” тафсирида ушбу эътиқод ҳақида 2 ўринда: “Бақара” сураси 62-оят⁵⁸ ва “Ҳижр” сураси 44-оят⁵⁹ тафсирида маълумот берилган. Улардан бирида собийлар ҳақида қискагина маълумот келтирилса, иккинчисида улар шунчаки жаҳаннамга кирувчи тоифа сифатида эслаб ўтилади⁶⁰. “Бақара” сурасининг 62-ояти тафсирида, айтиб ўтилганидек, собийлар ҳақида қисқача маълумот мавжуд:

“Албатта, мўъминлар, шунингдек, яҳудийлар, насронийлар ва собийлардан кимки Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса ҳамда солих

⁵⁸ Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна / Бакр Тўпал ўғли таҳрири остида. – Истанбул: Дор ал-мийзон, 2005. – Ж. I. – Б. 147.

⁵⁹ Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. – Ж. VIII. – Б. 36.

⁶⁰ Sodikov, J. (2022). Analysis of religions and beliefs in Imam Moturidi's “Ta'wilat Ahli-s-Sunnah”. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (116), 1064-1067. SoI: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-116-87> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.12.116.87>. – P. 1065.

амаллар қилса, уларга Роббиларидан ажр бордир, уларга хавф йўқдир ва улар ташвиш ҳам чекмаслар”⁶¹.

Ушбу оят тафсирида Мотуридий собийлар ҳақида қуйидагиларни айтади:

“Собийлар борасида ихтилоф мавжуд. Баъзилар: уларни фаришталарга сиғиниб, Забур ўқийдиганлар, бошқалар эса Осмон жисмларига сиғинувчилар дейишган. Шунингдек, улар ҳақида: “Мажусийлар ва насронийлар ўртасидаги қавм, яҳудийлар ва мажусийлар ўртасидаги қавм, зиндиклар мазҳабига эргашган ва Худони иккита деб билувчилар”, – деган қарашлар ҳам бор. Собийлардан бирор китоб етиб келмаган ва бизда улар ҳақида етарли билим йўқ”⁶².

Демак, оят тафсирида собийлар ҳақидаги беш хил қараш келтирилади. Улар қуйидагилар:

- 1) Фаришталарга сиғиниб, забур ўқийдиганлар.
- 2) Осмон жисмларига сиғинувчилар.
- 3) Мажусийлар ва насронийлар ўртасидаги қавм.
- 4) Яҳудийлар ва мажусийлар ўртасидаги қавм.
- 5) Зиндиклар мазҳабига эргашган ва Худони иккита деб билувчилар.

Лекин, Мотуридий бу қарашларнинг ҳеч бирига ён босмайди ва тасдиқламайди. Ўзининг бу муносабатини улар ҳақида аниқ маълумот етиб келмаганлиги билан изоҳлайди. Собийлар тилга олинган иккинчи оят тафсирида эса улар фақат адашган эътиқодлар сафида зикр этилади.

Собийлар “Китобу-т-тавҳид”да фақат бир ўринда тилга олинган бўлса-да, улар ҳақида анча батафсил маълумот берилган:

“Собийларнинг эътиқоди монийларникига ўхшаш бўлиб, Ибн Шабибнинг айтишича улар ўртасида фарқ жуда кам. Монийликка кўра нур зулмат билан Шимолдан Жануб тарафга ҳаракати давомида учрашади. Зулмат бўлса нур билан Жанубдан Шимол сари юриши давомида тўқнашади. Улар ўзаро учрашганда зулмат бир томондан нурга сингиб кетса, бошқа тарафларда уларнинг ҳар иккаласи ўз йўналишида давом этади. Яна уларнинг эътиқоди ҳақида Ибн Шабиб санавийлар таълимотига ўхшаш маълумотларни келтиради.

Шунингдек, уларнинг ақидасига кўра (нур ва зулмат) ўртасида, яъни уларнинг аралашishi натижасида олам ишлари бошқарилади. Агар бошқарилиш мавжуд бўлса, (нур ва зулмат) аралашуви ҳақидаги эътиқод

⁶¹ Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Абдулазиз Мансур. – Б. 10.

⁶² Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. – Ж. I. – Б. 147.

ботил бўлади⁶³. Нур ва зулмат ўртасида нима боғлиқлик бўлиши мумкин. Зулмат аслида тубан, нур эса олий бўлиб улар ўртасини ажратувчи, тўсиб турувчи куч мавжуд. Айнан ўша нарса уларнинг орасини жамлайди ва аралаштиради. Агар барча ёвузликларнинг асл сабаби уларнинг аралашуви бўлса, (нур ёки зулматнинг) иккисидан бири бошқасидан тамомила устун келиш йўлини топар эди. Акс ҳолда, эзгулик ва ёвузликни бошқарувчи ягона куч мавжуд бўлади...”⁶⁴

Шу тарика Имом Мотуридий олдин собийлар эътиқоди ҳақида мавжуд маълумотларни келтиради, сўнгра бу борадаги ўз мулоҳазаларини, уларга қарши далилларини айтади. Бу баҳс чуқур фалсафий-мантқиқий кўриниш касб этади. Аллома мазкур эътиқодни ислом билан солиштиради, аҳли сунна эътиқодини ҳар томонлама асослаб беришни ўз олдига асосий мақсад қилиб кўяр экан, суннийлик таълимотидаги ҳар бир ақидавий масалага қатъий далиллар келтиради⁶⁵.

Юқоридагилардан шуни кўриш мумкинки, Мотуридий ўз тафсиридаги собийлар эътиқоди ҳақидаги оятларни “Китобу-т-тавҳид”да келтирилган маълумотларга эга бўлишидан олдин тафсир қилган. Бу ҳолат “Таъвилот аҳли-с-сунна”нинг “Китобу-т-тавҳид”дан олдин ёзилганини кўрсатади.

Умуман олганда, собийлар ҳақида олимнинг икки асарида келтирган маълумотлари ўзаро зид эмас. Аксинча, “Китобу-т-тавҳид” бу ўринда “Таъвилот аҳли-с-сунна”да айтилган маълумотларни аниқлаштириб берган.

Ҳасан ибн Мусо айтади: “Улар олам ҳақида ихтилоф қилган қавмдир. Уларнинг илк вакиллари бирламчи модда (материя) ва Яратувчининг азалийлигини айтишади. Бошқалари эса олам кейин вужудга келган ва уни яратган Зот эса азалий деб билишади. Улар Яратувчини оламдаги ҳеч кимга ўхшамайдиган, жоҳил бўлмаган ҳаким, ожиз қолмайдиган даражада қудратли, бахиллик қилмайдиган даражада олийжаноб дея таърифлашади. Уларнинг айтишича: “Яратувчи фалакни тирик, сўзловчи, эшитувчи ва кўрувчи қилиб бунёд этган. Шу боис фалак бу дунёдаги бор нарсаларни бошқаради”. Улар само (фалак)даги сайёраларни фаришталар деб аташади ва уларга ибодат қилишади...”⁶⁶

⁶³ Яъни, олим дунёни бошқарилиши учун нур ва зулмат аралашувига эҳтиёж бўлмайди, демоқчи.

⁶⁴ Мотуридий. Китобу-т-тавҳид / Бакр Тўпал ўғли ва Муҳаммад Аручи таҳрири остида. – Байрут: Дор ас-садр, – Истанбул: Иршод, 2011. – Б. 241.

⁶⁵ Sodikov, J. S. (2022). Factors of application of intellectual evidence in the tafsir of Abu Mansur Moturidi “Ta’wilat ahl as-sunnah”. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (108), 524-527. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-04-108-58> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.04.108.58>. – P. 524.

⁶⁶ Самийъ Дуғайм. Мавсуа мусталаҳот илм ал-калом ал-исломий. – Байрут: Мактаба Лубнан наширун, 1998. – Ж. II. – Б. 679.

Ушбу маълумот собиийларнинг осмон жисмлари ва фаришталарга сиғинишларининг сабабларини очиб беради. Шунингдек, у собиийликда яккахудолик унсурлари ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Бу жиҳатдан у ханифлик эътиқодига ҳам ўхшаб кетади. Шу боис Шахристоний собиийлик ҳақида тўхталар экан, уни ханифлик таълимоти билан ўзаро солиштиради, улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни кўрсатиб беради⁶⁷.

Демак, юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, собиийлик ислом арафасидаги яккахудоликка интилишнинг бир кўриниши бўлган. Шу боис у насронийлик ва яҳудийлик динларидан ҳам маълум таъсирларга учраган. Самовий жисмларни илоҳийлаштириш эса уларни мажусийлик билан боғлаб турган. Натижада Мотуридий ўз тафсирида келтиргани каби, уларнинг эътиқоди ҳақида турли хил қарашлар шаклланган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – 624 б.
2. Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна / Бакр Тўпал ўғли таҳрири остида. – Истанбул: Дор ал-мийзон, 2005. – Ж. I. – 464 б.
3. Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна / Бакр Тўпал ўғли таҳрири остида. – Истанбул: Дор ал-мийзон, 2006. – Ж. VIII. – 431 б.
4. Sodikov, J. (2022). Analysis of religions and beliefs in Imam Moturidi's "Ta'wilat Ahli-s-Sunnah". ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (116), 1064-1067. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-116-87> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.12.116.87>
5. Мотуридий. Китобу-т-тавҳид / Бакр Тўпал ўғли ва Муҳаммад Аручи таҳрири остида. – Байрут: Дор ас-садр, – Истанбул: Иршод, 2011. – 538 б.
6. Самийъ Дуғайм. Мавсуа мусталаҳот илм ал-калом ал-исломий. – Байрут: Мактаба Лубнан наширун, 1998. – Ж. II. – 772 б.
7. Абулфатх ибн Абдулкарим Шахристоний. ал-Милал ва-н-нихал. – Байрут: ал-Мактаба ал-асрия, 2000. – Ж. II. – 255 б.
8. Sodikov, J. S. (2022). Factors of application of intellectual evidence in the tafsir of Abu Mansur Moturidi "Ta'wilat ahl as-sunnah". ISJ Theoretical &

⁶⁷ Абулфатх ибн Абдулкарим Шахристоний. ал-Милал ва-н-нихал. – Байрут: ал-Мактаба ал-асрия, 2000. – Ж. II. – Б. 7, 11-41.

